



2020 у. «14» август

№ Қ-388

« » 20 г.

Термиз тумани “Каттакум” массиви “Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “BAKHROM NAMZA TERMIZ” МЧЖга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” куриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/449-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-08/265-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 05-02/449-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Каттакум” массиви “Учқизил” маҳалласи ҳудудидан “BAKHROM NAMZA TERMIZ” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 180қ-дала контуридаги 10,0 гектар яйлов ер майдони қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” куриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “BAKHROM NAMZA TERMIZ” МЧЖ бошлиғи Б.Мамадалиевга:
ажратиб берилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратиб берилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев